

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

QORAKO'L SADOSI

Халқ депутатлари Қорақул туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги газетаси

2022 йил

22 ЯНВАРЬ

ШАНБА

№ 1

(7483)

1931 йил
14 октябрдан чиқа
бошлаган

2022 йил–ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Президентимиз раҳбарлигида 2021 йил 10 сентябрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида масъул-мутасаддилар зиммасига Қорақул туманидаги халқаро математика мактаби негизида хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда рақамли технологияларга ихтисослашган замонавий олий таълим даргоҳи фаолиятини йўлга қўйиш, бу ерда ахборот технологиялари асосида IT парк ва ёшлар шаҳарчаси барпо этиш ҳамда соҳада таълимдан ишлаб чиқаришга бўлган яхлит занжир яратишни кўзда тутувчи "IT-кластер" ташкил этиш вазифалари қўйилган эди.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 12 октябрида Бухоро вилоятига сайловолди учрашувида Қорақул туманидаги халқаро математика мактабида ахборот технологияларига ихтисослашган университет ташкил этиш мақсадида Ҳиндистон давлатидаги олий таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиш тала-

би қўйилган эди. Шу муносабат билан Ҳиндистоннинг «ACHARYA» институтлар тармоғи ижрочи директори Вишеш Чандрашекхар ҳамда корпоратив муносабатлар ва халқаро ишлар бўйича дирек-

Қорақул халқаро математика мактаби қамраб олинмоқда. Замон талабига жавоб берадиган ахборот технологиялари кластерида 1 минг 100 ўринли IT мактаби, 500 ўринли IT марказ, шунинг-

ва дунёда ўз мавқеига эга «ACHARYA» институтлар тармоғи тақдиротини ўтказди.

–1990 йилда мамлакатнинг йирик саноат ва рақамли технологиялар шаҳри Бангалорда фаолият бошлаган

институтлар тармоғи Apple, Microsoft, Samsung каби дунёнинг йирик брендлари марказларига эга.

Бухорода рақамли технологияларга ихтисослашган IT университет фаолиятини йўлга қўйишда яқин ҳамкорликни бошлаётганимиздан мамнунмиз. Бизга замон талабига жавоб берадиган бино жиҳозлаб берилса, ўз технологияларимиз ва сармомизни киритиб, иш бошлашга тайёрмиз. Бу жараёнда маҳаллий кадрлар, яъни олий таълим даргоҳида дарс берадиган ўқитувчиларни саралаб, Ҳиндистонда малака ошириб қайтишларини ҳам таъминлаймиз. Қолаверса, Қорақул туманида бўлиб, ёшлар таълимига қаратилган эътибор ва шарт-шароит билан танишдик.

Қорақул туманида ташкил этилиши режалаштирилган "IT-кластер" келажакда дастурий маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ошишига хизмат қилади.

Зариф КОМИЛОВ, ўЗА.

ҚОРАҚҮЛ ТУМАНИДА IT- КЛАСТЕРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

тор ёрдамчиси Саубхик Кумар Дейни Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Қорақул туманида ташкил этилиши режалаштирилган "IT-кластер" учун ажратилган ер майдони ва бинолар билан яқиндан танишди.

Айни кунда Қорақул туманида 13,2 гектар майдонда, жами 16 та бинода Қорақул "IT-кластери" ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган. Бу жараёнда ахборот технологиялари университети, IT марказ, IT-инкубация маркази, IT мактаби ҳамда

дек, минг ўринли IT университети, 50 ўринли IT инкубация маркази фаолияти йўлга қўйилади. Ахборот технологиялари бўйича ёш мутахассислар тайёрлаш назарда тутилган.

Ҳиндистоннинг "ACHARYA" институтлар тармоғи делегацияси Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов билан учрашди. Учрашувда "IT университети" лойиҳаси истиқболга катта ишонч билдирилди. Меҳмонлар Ҳиндистонда ривожланаётган ахборот технологиялари соҳаси

"ACHARYA" институтлар тармоғи бугунга келиб жаҳоннинг 70 та давлатидан 15 мингдан ортиқ талабасига эга, – дейди олий таълим даргоҳи ижрочи директори Вишеш Чандрашекхар. –

Халқаро талабаларга эгалиги билан институт мамлакатда иккинчи ўринда, дунё рейтингига эса кучли қирқликка кирган. Биздаги кутубхона фонди ва сўнгги русумдаги рақамли ахборот технологиялари мамлакат олий таълим тизимида биринчи ўринга қўтарилган. "ACHARYA"

ОҒИР ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ СОҲАЛАРГА ЭЪТИБОР ОШИРИЛАДИ



Туман ҳокимлиги, халқ қабулхонаси ва туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари ҳамкорликда маҳаллаларни инвентаризациядан ўтказди. Мазкур ўрганиш натижасига кўра туманнинг 6 та маҳалласи: "Мирзақалъа", "Ваҳим", "Човли", "Мустақиллик", "Қуллончи" ва "Янгиқалъа" энг

оғир ҳудудлар рўйхатига киритилди.

19 январь куни туман ҳокими Хуршид Тохиров 1-сектор ҳудудида жойлашган "Мустақиллик" МФЙ ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларини, у ерда яратилган шарт-шароитларни ўрганди. Дастлаб, тиббиёт бирлашмасига қарашли 54 оилавий

поликлиника фаолияти кўздан кечирилди. Мазкур ОП давр талабига жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Лекин бино таъмирталаб. Бу борада аҳолига ва тиббий ходимларга шароит яратиш учун масъулларга топшириқлар берилди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ

аъзолари маҳалладаги 35-ва 37-боғчаларда бўлдилар. Қурилиш жараёнлари жадал давом этаётган мактабгача таълим муассасаларининг ҳар иккаласи ҳам 90 ўринга мўлжалланган. Қурувчилар бунёдкорлик ишларини деярли якунлаган бўлиб, айни вақтда ички пардозлаш ишлари давом этмоқда. Маҳаллага ташрифнинг сўнгги манзили 25 умумтаълим мактаби бўлди. Ҳоким соҳа вакиллари билан мактабнинг имкониятларини ўрганиб чиқди. Ҳозирда 350 нафар болалар таълим олсада, ёндош ҳудуд "Мироб" маҳалласида янгидан барпо этилган 51-мактаб филиали яқинда фойдаланишга топширилса, бу даргоҳ нормал коэффициент билан ўз фаолиятини давом эттиради. Шу тариқа мазкур ҳудуддаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш бўйича

ишчи гуруҳ томонидан чора-тадбирлар белгиланди.

Вазият тақозоси билан даромадсиз қолган оила вакили Ҳамида Бозорованинг мурожаати ҳам тегишли тарзда кўриб чиқилди. «Агробанк» АЖнинг туман филиали ташаббуси билан фуқарога замонавий тикув машинкаси 3 кун ичида етказиб бериладиган бўлди. Ушбу банк шахобчаси томонидан «Хўжакон» маҳалласида истиқомат қилувчи эшик, деразалар ясовчи ҳунарманд Обид Рахимовга ҳам имтиёзли кредит асосида асбоб-ускуналар олиб бериладиган бўлди.

Ўрганишлар ва амалий ёрдам кўрсатиш бошқа маҳаллаларда ҳам давом эттирилмоқда.

С. РАХИМОВ,
туман ҳокими
ўринбосари–маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

ТУМАННИНГ 2022 ЙИЛ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

ТУМАН МОЛИЯ БЎЛИМИ МУДИРИ Ш. ШЕРМУҲАММЕДОВНИНГ 2021 ЙИЛ 31 ДЕКАБРДАГИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИНING 45-СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН

Ўтган йилнинг 15 декабрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан янги йилдаги солиқ-бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари бўйича “2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси маъқулланди, ва Президентимиз томонидан имзоланди. Шундан келиб чиқиб, 2021 йил 27 декабрь куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил лойиҳаси тасдиқланди.

Бугунги сессия кун тартибига кўра юқоридаги қонун билан келгуси йил учун белгиланган бюджет-солиқ сиёсатидан келиб чиқиб, туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил лойиҳаси ҳақидаги маълумотларни ҳавола этмоқчиман. Даставвал, 2021 йилги маҳаллий бюджетининг кутилаётган ижросига тўхталиб ўтсам. Йил якунларига кўра, туман маҳаллий бюджети даромадлари 43 млрд. 931 млн.сўмни, яъни белгиланган режага нисбатан 3 млрд. 91 млн. сўмга ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи умумий тушумининг – 28 фоизини ташкил қилади, қолган улуш, акциз солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, маҳаллий йиғимлар, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, айланмадан солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи, яъни қатъий белгиланган солиқ ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилда туман маҳаллий бюджетининг харажатлари 185 млрд. 193 млн.сўм бўлиши кутилмоқда. Ушбу харажатларнинг 78 фоизи, яъни 145 млрд. 160 млн.сўмини ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ташкил этади.

Жумладан:

Соғлиқни сақлаш соҳасига-70 млрд. 427 млн.сўм, (умумий сарфнинг 48 фоизи) ажратилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўловлари-34 млрд. 567 млн.сўм (умумий сарфнинг 24 фоизи) йўналтирилган.Шундан “0-2” ёшга доир нафақа пуллари учун- 13 млрд. 919 млн.сўм, “0-14” ёшга доир нафақа пуллари учун- 11 млрд. 44 млн.сўм, моддий ёрдам пуллари учун -4 млрд. 321 млн.сўм, шунингдек, нафақа ва моддий ёрдам олувчиларга компенсация тўловларига- 5 млрд. 283 млн.сўм тўланган.

Халқ таълими соҳаси-10 млрд. 315 млн.сўм (умумий сарфнинг 7 фоизини) олди ва тегишли ҳолда ушбу маблағ сарфланди.

Мақтабгача таълим соҳасига-21 млрд. 133 млн.сўм (умумий сарфнинг 15 фоизи) ажратилди.

Бу ерда асосий маблағ 4-гуруҳ харажатлари учун-20 млрд. 181 млн.сўм сарфланди. Шу ўринда 4-гуруҳ харажатларини ёритадиган бўлсак, бунда, озик-овқатга 5 млрд. 275 млн.сўм, дори-дармонга 23 млн.сўм, коммунал тўловга 304 млн.сўм, жиҳозлашга 2 млрд. 848 млн.сўм, қурилиш-таъмирлашга 7 млрд. 802 млн.сўм ҳамда субсидияга 6 млрд. 565 млн.сўмлик берилди.

Маданият ва спорт соҳасига-8 млрд. 737 млн.сўм ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сонли қарорига асосан 763 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги “Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 595-сонли қарорига асосан 5 млрд. 607 млн.сўм, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Фермер ҳўжалиқларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қиймати қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сонли қарорига асосан 2 млрд. 83 млн.сўм республика бюджетидан ажратилган субсидиялар молиялаштирилди.

2021 йил давомида туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, шунингдек, вилоят маҳаллий бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан туманга ажратилган қисмидан ижтимоий инфратузилма объектиларини қуриш, таъмирлаш ва ободонлаштириш учун 16 млрд. 367 млн.сўм йўналтирилди. Ушбу қўшимча маблағлардан соғлиқни сақлаш соҳасига 1 млрд. 397 млн.сўм, мактабгача таълим соҳасига 3 млрд. 883 млн.сўм, халқ таълими соҳасига 1 млрд. 614 млн.сўм, ободонлаштириш, кўчаларни обод қилиш, йўлларни таъмирлаш харажатларига 6 млрд. 14 млн.сўм ва туман ҳокимлигини сақлаш харажатлари ва ўтказилган тадбирларни молиялаштириш учун 2 млрд. 371 млн.сўм йўналтирилди.

Худди шундай “Обод қишлоқ” ва “Обод марказ” дастурлари доирасида ҳам 2021 йил давомида тизимли молиялаштириш ишлари олиб борилди, яъни ушбу дастурлари доирасида, 20 млрд. 955 млн.сўм маблағ ўзлаштирилди.

Жумладан: ушбу маблағлар эвазига 5 км. қишлоқ кўчалари ташқи ёритиш тизими билан таъминланди, 2 км. пиёдалар йўлаклари қурилди, 20.6 км. тупроқли йўллар шағаллаштирилди, 7.8 км. йўллар асфальтлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарорларига асосан, “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га, “Аёллар жамғармаси”га ҳамда “Ёшлар жамғармаси”га туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манба маблағлари ҳисобидан 1 млрд. 647 млн.сўм ажратилди. Жумладан:

“Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га

- 787.9 миллион сўм;

“Аёллар жамғармаси”га

-429.8 миллион сўм;

“Ёшлар жамғармаси”га

-429.8 миллион сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шакллانган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан туманимиз аҳолиси томонидан “Очиқ бюджет” ахборот порталига берилган таклифларни молиялаштириш учун қўшимча 1 млрд. 304 млн.сўм ажратилди.

Бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида, 2022 йилда асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилди. Жумладан, қўшилган қиймат солиғи 15 фоиз, фойда солиғи 15 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 12 фоиз ва айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси 4 фоиз.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Бюджет тўғрисидаги Қонуни билан 2022 йил 1 январдан бошлаб, солиқ қонунчилигига айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси амалдаги 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилади. Шунингдек, солиқ солиш мақсадида, 1 метр квадрат кўчмас мулк (бино ва иншоотлар) объекти учун минимал қиймат жорий этилади. (вилоят марказида—1,5 миллион сўм, бошқа ҳудудларда—1 миллион сўм).

Қатъий миқдорда белгиланган акциз, ер, мол-мулк, сув солиғи ставкалари ўртача 10 фоизга индексация қилинади.

Жумладан, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилиниб, 0,23 фоиздан 0,25 фоизга оширилмоқда. Бунга сабаб, жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларнинг кадастр қиймати ўзгаришсиз қолдирилмоқда.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, 2022 йилда туман маҳаллий бюджети даромадлари 75 млрд. 946 млн.сўм миқдорида прогноз қилинмоқда.

Бунда, бевосита солиқ тушумлари 22 млрд. 45 млн.сўм, жумладан, айланмадан олинадиган солиқ – 8 млрд. 608 млн.сўм, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи—12 млрд. 108 млн.сўм, Билвосита солиқлар, яъни акциз солиғи бўйича прогноз 26 млрд. 747.7 млн.сўмни ёки умумий бюджет даромадларининг 35 фоизини ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинди.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадлар 22 млрд. 872 млн.сўм миқдорида ёки умумий бюджет даромадларининг 32 фоизини ташкил қилиши назарда тутилган. Жумладан, мол-мулк солиғидан 4 млрд. 730 млн.сўм, ер солиғидан 13 млрд. 405 млн.сўм, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан 4 млрд. 737 млн.сўм.

Шунингдек 2022 йилги солиқ-бюджет сиёсати амалга ошириш бўйича қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Шунингдек, асосий ўргариш жисмоний шахсларнинг даромад солиғи вилоят бюджетига ҳамда туман бюджетига ўртасида тақсимланади, яъни тўланган солиқ миқдорининг 20 фоизи туманда қолади, 80 фоизи вилоят бюджетига йўналтирилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш мақсадида жорий қилинган тартиб, яъни мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар ҳудудлар аҳолиси сонига мувофиқ тақсимланмоқда.

2022 йилдан бошлаб, тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи тушумлари ҳам шу тартибда тақсимланган ҳолда маҳаллий бюджетларга ўтказилади. Келгуси йил учун туман бюджетига харажатларининг миқдори 177 млрд. 54 млн.сўм қилиб белгиланмоқда.

Ушбу харажатларнинг 78 фоизи, яъни 138 млрд. 524 млн.сўми ижтимоий соҳага, 8 фоизи, иқтисодиёт харажатларига йўналтирилиши кутилмоқда.

Шундай экан, туман маҳаллий бюджетига харажатларининг асосий йўналиши бўлган бўлган ижтимоий соҳа харажатлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун кутилаётган харажат йўналишларини бирма-бир кўриб чиқадиган бўлсак: мактабгача таълим соҳасига 12 млрд. 241 млн.сўм. Утган йилга нисбатан 120 фоизга кўп.

-халқ таълимига-9,0 млрд.сўм.

соғлиқни сақлаш соҳасига 66 млрд. 756 млн.сўм, 2021 йилга нисбатан 120 фоизга кўп. Келгуси йилда ҳам дори-дармон ва тиббиёт буюмларини харид қилишга ажратиладиган маблағларни ошириш сиёсати давом эттирилади. Ҳисоб-китобларга кўра, дори-дармон харажатлари 3 млрд. 900 млн.сўмни ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 1,9 баробарга кўпни ташкил қилади.

Тиббиёт муассасаларининг озик-овқат харажатларини қоплашга 1.059 млрд.сўм ажратилади;

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари 41 млрд. 313 млн.сўмни ташкил этади.

2022 йилда нафақа олувчилар сонини 2021 йилга нисбатан 35 фоизга ошиб, 8.8 мингтага етказилиши мўлжалланмоқда.

Маълумот учун айтиб ўтмоқчиман, ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали тез ва тўсиқларсиз амалга оширилмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» фуқаролар томонидан ижтимоий нафақалар олиш учун ариза топширганда, оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулк ва меҳнат бандлиги тўғрисидаги маълумотлар электрон солиштирилади ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда, барча ариза берувчиларни ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида автоматик равишда хабардор қилади.

Ушбу босқичда 16 та вазирлик ва идораларнинг (солиқ, Ички ишлар, Давлат персоналлаштириш маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Кадастр, Пенсия ва бошқа ташкилотлар) электрон маълумотлар базалари билан ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Яқин орада яна 5 та идора маълумотлар базасига уланади.

- иқтисодиёт харажатларига 13 млрд. 926 млн.сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан:

2022 йилда сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш учун 1.6 млрд.сўм, маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 1,1 млрд.сўм, ички йўлларни таъмирлаш учун 1,1 млрд.сўм маблағ ажратилади ва бу маблағлар аҳолининг таклифларига асосан йўналтирилади.

Ободонлаштириш ишларига 9 млрд.сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Шунингдек, туман ободонлигини таъминлаш учун 1 та махсус техника харид қилишга 493 млн.сўм ажратилади.

2022 йилдан бошлаб, барча туман ва шаҳарлар бюджетлари харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида йўналтириш белгилаб олинди. Жумладан, туман бюджетидан 8.2 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Бундан ташқари, бюджетда кўзда тутилмаган ижтимоий-маданий тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун 2022 йилда ҳам бюджет умумий харажатларининг 1 фоизи миқдорида маҳаллий бюджетлардан захира жамғармаси ташкил этилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, туман маҳаллий бюджетига бўйича жами 1,6 млрд.сўм захира жамғармаси шакллантирилади.

Юқорида кўзда тутилган солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар натижасида 2022 йилда Қоракўл тумани маҳаллий бюджетига даромадлари 75 млрд. 945 млн.сўм, харажатлари эса 177 млрд. 54 млн.сўм миқдорида прогноз қилиниб, маҳаллий бюджетлар баланслигини сақлаб қолиш мақсадида, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги салбий фарқи қоплаш учун республика бюджетидан 101 млрд. 108 млн.сўм миқдорида тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

ТУМАНИМИЗДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВЛАРИ

ДОИРАСИДА ТУРАР ЖОЙ ВА САВДО МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Лойиҳа ташаббускори, тадбиркор, Комил Рўзиев томонидан 8 гектардан ортиқ

майдонда 852 хонадондан иборат 22 та кўп қаватли турар жой бинолари барпо

этилади.

«Хўжалар» МФЙ ҳудудида «Мегапрестиж» МЧЖ томонидан барпо этилиши режалаштирилган турар жой ва савдо мажмуасининг қурилиш жараёнларига старт берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ботир Зарипов бошчилигидаги қурилиш комплекси ташкилот раҳбарлари, туман сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Вилоят раҳбари мажмуа лойиҳаси билан танишар экан, соҳа вакиллари мажмуа қурилиш жараёнларига за-

мон талабларидан келиб чиқиб ёндашиш, аҳоли учун зарур инфраструктурани яратиш ва энергия тежамкор ресурслардан фойдаланиш мақсада мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Лойиҳа ташаббускори, тадбиркор, Комил Рўзиев томонидан етакчи қурилиш ташкилотларини жалб этган ҳолда 8 гектардан ортиқ майдонда 852 хонадондан иборат 22 та кўп қаватли турар жой бинолари қурилади. Шу билан бирга туманда аҳоли учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида 180

ўринли боғча ҳамда 1850 ўринли мактаб, 2 та спорт мажмуаси барпо этилиши ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, 2 та замонавий ўқув маркази, меҳмонхона ҳамда кўнгилчор масканлар қад ростлайди.

Ушбу мажмуа «Янги Ўзбекистон» массивлари доирасида қурилаётган дастлабки бунёдкорлик комплекси бўлиб, келгусида бу каби масканларни туманининг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил қилиш режалаштирилган.

Гуличехра ДУРДИЕВА.

ИНСОННИНГ ЎЗИ КАБИ ҚАДРИ ҲАМ УЛУҒ БЎЛАЖАК

МУЛОҲАЗА

2022 йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳамма ҳаммининг юзига бир қадар табассум сочадиган хабар бўлди. Давлатга, сиёсатга алоқаси бўлмаган, дунёнинг шар-шури билан иши бўлмаган, биргина қорин қайғуси билан яшаётган Ҳасан бобо ҳам бу хабарни эшитиб, "Э, ана энди одамлар бир бирини қадрлайди" деб юборди. Бу гап сал кулгили эшитилсада замирида чимдим аччиқ ҳақиқат ҳам бор. Халқимизда ни маики кўп бўлса, ўша нарса қадрсиз бўларди. Қадри пасайиб, нархи арзонлашарди. "Тиллони текин тарқатсанг қадри қолмас" деган гап бор. Бу бежиз эмас албатта. Юртимизда ҳамма нарса муҳайё бўлганига кўпнинг қадри йўқдек туюлади. Чунки. Одамларнинг қизиқиши, эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Телефонни ҳам, компьютер, телевизор қўйингки, барча техника воситаларининг ҳам қадр қиммати пасайган. Сал эскирса, янгисини олишарди.

Бошқачасини янги хотиралар кенг имкониятларини қидиришга тушадилар.

Аммо, инсон жонсиз бир буюм эмаску, уни алмаштириб ёки сотиб юборишса. Оллоҳ марҳамати ила дунёга келган жамики жондорнинг ўз ўрни ва роли бор. Яратилган ичидага энг мукамал ва мукаррами бўлган одамзод эса онги ва иймони билан бошқаларидан ажралиб туради ҳамда ҳаётни бошқаради. Яратган эгам шундай имтиёзни бериб қўйгандан кейин нега энди биз бир-биримизни асраб-авайлаб, қадрламаслигимиз керак?! Буни унутганларга эслатма тарзида қабул қилинган йил номи ўз амаллари билан самарали йил бўлсин. Буни ҳар бир киши ўзининг дастуриламалига киритиб қўйиши лозим.

Қадриятларимиз маскани бўлган маҳалла фаоллиги йўлида бир тану бир жон

бўлиб, ҳаракат қилмоғимиз лозим. Инсон қадри улуғланган, маҳалла билан кенгашиб иш қўрилган масканда ҳеч қачон тортишув жанжал бўлмайдиган. Азизлар биз оқил юртбошимизга елкадош бўлиб, жаннатмонанд диёримиз равнақи йўлида куч-қувватимиз, ақл-идрокимизни аямасдан хизмат қилайлик. Эҳтимол, бизнинг ҳиссамиз улкан ютуқлар учун замин яратар, эҳтимол зарра меҳнатимиз фидойилигимиз эвазига келажак авлод хотирасига муҳрланармиз.

Ниятимиз янги йилимиз поёнига етганда, ҳар бир инсон шундоқ ортига қараб, хайрли амалларни, улкан ғалабаларни, яхшиликларни, қувонч-у шодликларни, қадрланганларни ва қадрлаганларни кўрсин.

Шоҳиста РАЖАБОВА,
туманидаги
34-умумтаълим
мактабининг ижодий-
маданий
тарғиботчиси.

ЧОРВАДОРЛАР ЭЪТИБОРИГА!

ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ–БЕДАВО ДАРД

Барча иссиқ қонли ҳайвонларда ва одамларда учрайдиган бедаво ва ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади.

Ушбу касаллик одамларда асосан, қутурган итлар ва мушукларнинг, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг (бўри, чиябўри, тулки ва бошқалар) тишлаши, тирнаши, сўлагини тегиши натижасида касал ҳайвонларнинг сўлагига орқали одамларга юқади. Касалликни қўзғатувчи вирус қутурган ҳайвонлар сўлагига бўлади.

Бугунги кунгача қутуриш касаллигининг даволаш

усуллари ишлаб чиқилмаган.

Қутуриш касаллиги жуда оғир кечиб, касаллик 100 фоиз ўлим билан тугайди. Шу боисдан ҳам касалликни даволашни эмас, балки олдини олишни ўйлашимиз керак.

Бу бедаво касалликдан сақланиш учун нималар қилиш керак?

-Ит сақлаш қоидаларига пухта ва мунтазам амал қилиш;

-итларни ҳудудий ветеринария хизматига ўз вақтида ҳисобга қўйиб, қутуришга қарши эмлатиш;

-эгасиз дайди итларнинг

пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

-имкон борида ит ва бошқа ҳайвонлар тишлашидан сақланиш чораларини кўриш;

-борди-ю бирор ҳайвон тишласа, уни зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат этишга даъват қилиш ва мутахассис врачнинг тавсиясига кўра қутуриш касаллигига қарши эмлатиш зарур. Фуқароларга мурожаат қилиб шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, юқоридаги тавсияларга амал қилмаслик ўз жонига қасд қилиш билан баробарлигини унутмаслик зарур.

У. ЯНГИЕВ,
ветеринар врач.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистон мактабларида 24 январдан бошлаб таълим онлайн шаклда бошланади, дея хабар қилмоқда Халқ таълими вазирлиги.

«Коронавирус инфекциясининг янги штамми болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиш хавфини олдини олиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тақлифларидан келиб чиқиб 24 январдан бошлаб мактаблардаги таълим жараёни бир ой муддат давомида онлайн шаклда олиб борилади. Массофавий шаклда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг телеканаллари ҳамда «Онлайн мактаб» телеграмм канали орқали бериб борилади. «Онлайн мактаб» лойиҳаси доирасида бериладиган дарслар жадвали кунлик равишда «Онлайн мактаб» Telegram-канали орқали эълон қилиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБЛАР 24 ЯНВАРДАН БОШЛАБ БИР ОЙ ДАВОМИДА ОНЛАЙН ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ

Фурсатдан фойдаланиб, Халқ таълими вазирлиги ота-оналардан фарзандларини уйдаги хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаган ҳолда «Онлайн мактаб» лойиҳаси доирасида эфирга узатиладиган дарсларни кузатиб боришларида амалий ёрдам беришларини сўрайди. Шу ўринда бугунги мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли бу вакцинация, шу боис сизлардан ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигини ҳимоя қилиш учун вакцинация жараёнларида фаол қатнашишингизни сўраб қоламиз», – дейилади вазирлик хабарида.

ОТМЛАР ҲАМ БИР ОЙ ДАВОМИДА ОНЛАЙН ТАЪЛИМ ШАКЛИГА ЎТАДИ

Ўзбекистондаги ОТМларда таълим шакли 24 январдан бир ой давомида онлайн шаклда олиб борилади, дея хабар бермоқда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Қайд этилишича, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тақлифига асосан коронавирус инфекциясининг янги штамми болалар ва ёшлар ўртасида тарқалиши юқорилигини эътиборга олган ҳолда барча олий (давлат, нодавлат, хусусий ҳамда хорижий филиаллар) ва профессионал таълим муассасалари, академик лицейларда (барча таълим шакллари ва турлари бўйича) 2022 йилнинг 24 январидан бошлаб, бир ой муддат давомида таълим олиш тизими масофавий (онлайн) шаклда олиб борилади.

«Бунда тажрибадан келиб чиққан ҳолда онлайн таълим жараёни сифатли тарзда ташкил этилиб, барча зарур ресурслар сафарбар этилади.

Темир йўл чипталари тариф қисмидан 50 фоиз миқдорида чегирмаларини сақлаб қолиш ва 2022 йил 24 февралга қадар авиа ва темир йўл чипталарини бепул тарзда бошқа муддатга алмаштириб берилади.

Мазкур масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирликда Махсус штаб ташкил этилган бўлиб, 21 январь соат 9:30 дан барча ташкилий масалалар юзасидан қуйидаги ишонч телефонларига (10-06, 71-246-97-45, 71-246-28-63) мурожаат қилишингиз мумкин!

Шу ўринда бугунги мураккаб вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли бу вакцинация, шу боис сизлардан ўзингиз ва яқинларингиз саломатлигини ҳимоя қилиш учун вакцинация жараёнларида фаол қатнашишингизни сўраб қоламиз.

Эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, сиздан йўл чипталарини алмаштиришни бир ойлик муддат давомида қайтиш санаси аниқ бўлгандан кейин шомасдан амалга оширишингизни сўраймиз!», – дейилади вазирлик хабарида.

Шунингдек, Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларида ҳам дарслар бир ой давомида онлайн давом эттирилиши маълум қилинди.

DARYO (P.K.)

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АТЛАСИ ЯРАТИЛДИ

Кадастр агентлиги ахборот хизмати хабарига кўра, Ўзбекистон миллий атласи 416 та хариталарни ўзида жамлаган 2 жилддан иборат бўлиб, Республиканинг барча соҳаларини картографик ва матнли кўринишда тавсифловчи фундаментал илмий-маълумотнома асари ҳисобланади. Атласда Республикаимизнинг "Табиий-географик ўрни ва умумий хусусиятлари", "Табиий шароити ва табиий ресурслари", "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси", "Аҳолиси", "Ижтимоий" ва "Иқтисодий соҳалари" ҳамда "Тарихи" акс эттирилган.

Миллий атлас, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва "Картография" давлат илмий - ишлаб чиқариш корхонасининг 100 дан ортиқ мутахассислари, Фанлар академиясининг етук олимлари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда олий таълим ва бошқа илмий мақомга эга бўлган ташкилотлардан жалб этилган экспертлар ҳамкорлигида яратилди.

Ушбу маълумотнинг биз қорақўлликлар учун эътиборли жиҳати шундаки, мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба тайёрланган мамлакатимизнинг миллий атлас дунё юзини кўришида Қорақўлнинг Миришкор қишлоғида туғилиб ўсган, ҳозирда Ўзбекистон Миллий

университетининг география факультетида фаолият юритувчи иқтидорли ёш географ олим, география фанлари бўйича фалсафа доктори Мухриддин Авезов ҳам иштирок этган. Ушбу атласдаги "Табиий харита", "Гео-логик харита", "Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштирилиши", "Ландшафт харитаси", "Ўзбекистон рельефини шахарсозлик мақсадларида баҳолаш", "Табиатни муҳофаза қилиш" хариталарини тайёрлашда ҳамда миллий атласнинг ҳар иккала жилдидан ўрин олган 100 дар ортиқ хариталардаги географик жой номлари, терминларни мувофиқлаштиришда ва стандартлаштиришда, 4 та бобнинг матнларини ёзишда, хариталар мазмуни ва дизайнини ишлаб чиқишда Мухриддин Авезов малакали мутахассис сифатида бевоқиф қатнашган. Ёш олим укамизнинг кейинги ишларига ҳам катта муваффақият тилаймиз. Умид қиламанки, ушбу хушхабарни ўқиган ҳар бир инсон бу эзгу тилгимизга қўшилади.

Мухриддин Авезовнинг серкирра фаолиятига оид яна бир хушхабарни етказмоқчиман. Умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари кейинги чорақдан бошлаб ўқийдиган "Табиий фанлар" дарслигининг ҳаммуаллифлари орасида ҳам

Мухриддин Авезовнинг номи бор. Ушбу дарслик 12 та бобни ўз ичига олган бўлиб, унинг 6 та боби (5-6-7-8-9-10-боблар) унинг сермашаққат меҳнати маҳсулидир. Қорақўллик ўқитувчилар бу китобдан дарс ўтиш жараёнида муаллифнинг ҳамюрт эканлигини эслатиб ўтсалар, ўқувчи ёшларда бу фанга бўлган қизиқишга қўшимча рағбат берган бўлур эдилар, деб ўйлаймиз.

Мухриддин Авезовнинг дилида бир эзгу ният бор экан. Мен бу ниятни қорақўлликларга, таълим, маънавият соҳасидаги мутасаддиларга етказишни ўз бурчим деб билдим. Менимча, бундай инсонларни қўллаб-қувватлаш уларнинг кейинги ишларига куч-қувват, илҳом беради. Уларнинг илмий-амалий ишлари юртимиз шаънини улуглашга хизмат қилади. Фақат буни салгина англаш керак, холос.

Азалдан юрагимда бир ниятим бор, дейди у. Туманимиз ва вилоятимиздаги устозлар, тенгдош ўқитувчилар ва биз сингари ёш педагоглар учун бир семинар ташкил қилинса, бажонидил қатнашиб, таълимда, ўқув жараёнида бўлаётган ва кутилаётган ўзгаришлар ҳақида юзма-юз суҳбатлашсак, фикр алмашсак, тажрибамизни ўртоқлашсак, айна муддао бўларди. Таълим сифати ўсарди.

С. ГАЙБУЛЛАЕВ.

Фойдали
МАСЛАХАТЛАР

1. Илик кўк чой асал билан ичилганда мияга кўп фойда беради.
2. Тишларингизни тоза тутиш.
3. Ётишдан олдин сабзи истеъмол қилиш соғлиққа фойда.
4. Сувни узоқ қайнатиш ёки қайнатилган сувни яна қайнатиб чой дамлаш жуда зарарли.
5. Жигар хасталигини беҳи суви даволайди. Беҳи шарбатини кунига 1-2 коса ичиш тавсия этилади.
6. Ҳар қандай касалликни даволашни ошқозонни қаттиқ зардоби билан ювишдан бошланади.
7. Оёғингиз доим тоза, курук, иссиқ бўлсин.
8. Кўк чой буйракни ювади, ундаги яллиғланишни даволайди.
9. Одатда, соат 22 дан эрта-лаб 6 гача ухлаш керак.
10. Ётишдан олдин енгил бадантарбия қилин.
11. Уйқудан олдин қуйида-

ЭНГ ЗАРУР ТИББИЙ ЭГИТЛАР

гиларни истеъмол қилиш мумкин: олма, бир қошиқ асал, бир стакан кефир ёки асал қўшилган бир стакан оқроқ сут.

12. Уйқуси қочган одам асал яласин.

13. Тез-тез қаттиқ зардобини ичиб туриш қоннинг ифлосланиши (уремия) касаллигидан асрайди.

14. Чумчўк ва бедана шўрва одамни ҳар тарафлама бақувват қилади.

15. Инсон жигари тўрт нарсани: хом қарам, творог, қаттиқ қон, асални яхши кўради.

16. Ёзда тез-тез совуқ сувда ювиниб турсангиз, юрагингиз, жигарингиз иш фаолияти яхшиланади.

17. Ширгуруч инсон умрини узайтиради, эркаклик уруғини кўпайтиради.

18. Ҳаммомдан кейин тишни ювсангиз, тез оқаради.

19. Наматакни қайнатиб чой ўрнида ичиш ниҳоятда фойдали.

20. Мунтазам ўтириб ишлайдиган одам ҳар соатда ўрнидан туриб юрсин.

21. Олма инсон организмга барча зарур нарсаларни етказиб беради. Ҳар кун икки дона олма ейиш кифоя қилади.

22. Ошқозон оғриганда наҳорда ҳамда ётиш олдида бир қошиқ доғланган зайтун мойи ичиш тавсия этилади.

23. Кези келганда меъёрида йиғлаб туриш соғлиққа фойдали.

24. Кимда-ким ҳар 10-15 кунда бир марта шомда 1 литр қаттиқ зардобини ичиб, ичини ювса, қон босими, қанд, бавосир, ошқозон оғриғи каби хасталиклардан халос бўлади.

25. Сабзавот, кўкатлардан унумли фойдаланиш умрни узайтиради.

26. Доим кўк чой ичиб, сариқ сабзи еб юрган одам ўсма (рак) касалига чалинмайди.

27. Спорт турлари ичида энг фойдалиси югуришдир.

«Бахтли ҳаёт сари»
китобидан.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси тузилиб, вазифалар белгиланди. Жумладан:

-аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ўз вақтида ҳамда сифатли ба-жарилишини таъминлайди;

-аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар жараёнининг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини амалга оши-ради;

-аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг таҳлилин ўтказди; -аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда ишлов беришни ташкил этиш ва унинг якуний натижаларини эълон қилиш масалаларига доир таклифларни кўриб чиқади;

-аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ишига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этишни ташкил этади; -халқаро ташкилотлар билан

АҲОЛИНИ
РЎЙХАТГА
ОЛИШНИ
ЎТКАЗИШГА
КЎМАКЛАШИШ
БЎЙИЧА
РЕСПУБЛИКА
КОМИССИЯСИ
ФАОЛИЯТИ
ҲАҚИДА

ҳамкорлик қилишни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг ишчи органидир.

Туман статистика бўлими.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МЕРОС ИШИ ОЧИЛДИ

2021 йил 10 июль куни вафот этган туманимиздаги Чекирчи МФИда яшаган фуқаро Ҳусенов Шухрат Бахриддинович мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

2021 йил 23 январь куни вафот этган туманимиздаги Мустақиллик МФИда яшаган фуқаро Жумаев Файзулло Райимович мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

1992 йил 12 август куни вафот этган туманимиздаги Тайқир МФИда яшаган фуқаро Рўзиев Жумон мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

2018 йил 8 март куни вафот этган туманимиздаги Дўстлик МФИда яшаган фуқаро Шаропов Ботир Болтаевич мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

2021 йил 5 ноябрь куни вафот этган туманимиздаги Қуввача МФИда яшаган фуқаро Ҳасанова Гуландом Қуватова мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

2021 йил 31 май куни вафот этган туманимиздаги Тинчлик МФИда яшаган фуқаро Жўрақулов Каромат Яхшиқулович мулкига мерос иши очилаётганлиги муносабати билан унинг меросхўрларидан мерос гувоҳномасини расмийлаштириш учун бир ой муддат ичида Қорақўл туман Давлат нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаат учун манзил: Қорақўл шаҳри, Улуғбек кўчаси. Тел. 65-56-52-9-73.

«QORAKO'L SADOSI»

Муассислар:

халқ депутатлари Қорақул
туман Кенгаши ва туман
ҳокимлиги.

Муҳаррир:

Олим ТАНГРИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Қорақул шаҳри, Улуғбек кўчаси,
180-уй.

Тел: 56-52-0-85.

Газета 2015 йил 7 августда
№05-070 раками билан вилоят
матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 3018.

Газета офсет усулида А-3 форматда
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ.

Нусхаси 200

Газета «Қорақул садоси» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди. Газета ҳафтада бир марта
чиқади.

Газета Бухоро шаҳар

Иброҳим Мўминов
кўчаси, 27-уй.

«Бухоро вилоят
босмаҳонаси» МЧЖда
чоп этилди.

Тел: (065) 223-25-38.

Таҳририят ҳажми 2-3 қоғоздан зиёд материалларни қабул қилмайди, қўлёзмалар қайтарилмайди, Нашр сифати учун босмаҳона жавобгар. (т)-тижорат мақола.

Навбатчи ОЛИМ ТАНГРИЕВ. ■ Саҳифаловчи Э.ЖУМАЕВА. ■ Баҳоси келишилган нархда ■ Босишга топшириш вақти: 16-00 ■ Топширилди: 14-00